

## Чумолилар озуқа сақлашни маҳорат билан амалга оширади



09:00 / 05.09.2023 2773

Дарахт баргидаги бир томчи сувни ичиш учун 12 та чумоли тўпланди. Эътибор тортадиган жиҳати шуки, улар тўрт гуруҳга бўлиндилар. Бунга сабаб сув томчиси бир томонга мойил бўлиб, ерга тушиб кетмаслиги учун унинг мувозанатини сақлаш мақсадида шу йўлни тутдилар.

Чумолиларга ўзаро ҳамкорлик қилишни, томчини ўртада тенг бўлишни ва жамоанинг ҳар бир аъзосига ҳаққини бериш кераклигини ким таълим берди?

Чумолилар озуқани сақлашни ҳам маҳорат билан амалга оширар экан.

Олимларнинг аниқлашича, чумолилар ўзи тўплаган ва истеъмол қиладиган дон ва уруғ каби озуқаларни ер остига қўмаётганда иккига бўлиб қўяр экан. Чунки дон ва уруғ иккига бўлиб қўйилса, ер ҳар қанча ҳосилдор бўлса ҳам униб чиқмас экан.

Олимларни янада ҳайратлантирган нарса шуки, чумолилар кашнич уруғини тўрт қисмга ажратар экан. Ўрганишлардан шу маълум бўлдики, кашнич уруғини иккига бўлса ҳам униб чиқар экан, аммо тўртга бўлса унмас экан.

Чумолига буларни ким ўргатди? Албатта, Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ўргатгандир!

**Нозимжон Ҳошимжон**

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 11 августдаги 03-07/6522-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.*